

Хушхабар: Наманганда GRAND TA'LIM филиали очилди



11:04 / 22.02.2021 2471

Жорий йилнинг 20 февраль куни GRAND TA'LIM муассасасининг Наманган вилоятида филиали очилди.



Очилиш маросимига бир қатор ҳурматли меҳмонлар, устозлар таклиф этилди.



Наманганлик мухтарам устоз Мулла Умархон домла Юсуфхон ўғли сўз олиб, ушбу маскан халқимизга узоқ йиллар хизмат қиладиган таълим даргоҳларидан бўлишига тилак билдириб, хайрли дуолар қилдилар.

Тадбирга Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси масъул ходими Муҳаммад Аюбхон домла, «Hilol-nashr» матбаа нашриёти ва Islom.uz портали раҳбари Исмоил Муҳаммад Содиқ ҳамда азиз меҳмонлар ташриф буюришди.



Миср Араб республикасидан ташриф буюрган ушбу таълим муассасасининг араб тили устози Аҳмад Салмон сўзга чиқиб, илм маскани очилиш муносабати билан ўзининг самимий тилаklarини билдириб ўтди.



Тадбирни GRAND TA'LIM директори Музаффар Саттиев яқунлаб, барча меҳмонларга миннатдорчилик билдирди.



Пойтахтимиз ва вилоятларда фаолият кўрсатаётган GRAND TA'LIMнинг филиаллари айти дамда юзлаб юртдошларимизга керакли билим ва кўникмаларни улашиб келмоқда. Наманган филиалининг очилиши GRAND TA'LIMнинг вилоятлардаги навбатдаги учинчи филиали бўлди. Бундан аввал Самарқанд ва Андижонда ушбу таълим муассасаси ўз фаолиятини бошлаган.





2008 йилда ўзининг илк қадамларини қўйган таълим муассасаси шукрим, бугунга келиб юртимизда хорижий тилларни ўрганишга қизиққан минглаб илм толиблари учун севимли билим даргоҳларидан бўлиб улгурди.

«Бу Аллоҳнинг фазлидир (ва уни) хоҳлаган кишисига берадир. Аллоҳ улуғ фазл эгасидир». (Жума сураси, 4-оят).

Буюк режаларни амалга ошириш йўлида иш бошлаётган билим маскани юртимизда фойдали илм тарқатишда ҳисса қўшувчи, фарзандларимизни билимли, салоҳиятли ва етук инсонлар бўлиб камолга етишларида хизмат қилувчи масканлардан бўлишини Аллоҳ таоло насиб этсин.

